

**ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРНИ ОЛДИНДАН БИЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Қиёмов Шавкат Фазлиддинович

Бухоро муҳандислик-технология институти катта ўқитувчиси

**РОЛЬ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СИСТЕМ В ПРОГНОЗИРОВАНИИ И ЛИКВИДАЦИИ
ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ**

Киёмов Шавкат Фазлиддинович

*старший преподаватель Бухарского инженерно-технологического
института*

**THE ROLE OF STATE SYSTEMS FOR THE FORESIGHT AND ELIMINATION OF
EMERGENCY SITUATIONS**

Kiyomov Shavkat Fazliddinovich

Senior lecturer, Bukhara engineering and Technology Institute

Аннотация: *ушбу мақолада фавқулодда ҳолатларни олдиндан билиш ва бартараф этиш бўйича давлат тизимларининг ўрни ҳақида маълумот берилган.*

Калит сўзлар: *фавқулодда ҳолат, фавқулодда вазият, табиий офатлар, авария, тинчлик ҳолати, уруш ҳолати, қутқарув ишлари, бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар, эвакуация.*

Аннотация: *в данной статье представлена информация о роли государственных систем для предварительного информирования и ликвидации чрезвычайных ситуаций.*

Ключевые слова: *чрезвычайное положение, чрезвычайная ситуация, стихийные бедствия, авария, мирное положение, военное положение, спасательные работы, другие неотложные работы, эвакуация.*

Annotation: *this article provides information on the role of state systems for the preliminary knowledge and elimination of emergency situations.*

Keywords: *state of emergency, state of emergency, natural disasters, accident, state of peace, State of war, rescue work, other non-delayed work, evacuation.*

Ҳозирги замонда фан ва техника тараққиёти ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларида мисли кўрилмаган даражада ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Ушбу ўзгаришлар бир томондан ишлаб чиқаришда юқори иқтисодий ва сифат кўрсаткичларнинг ривожига олиб келса, иккинчи томондан эса инсон ҳаёти учун ўта хавфли бўлган турли хил қирғин қуроолларини, турли хил авариялар, катастрофаларни

вужудга келтириб, табиий офатлар билан бир қаторда инсон ҳаётига хавф туғдирмоқда [1, 2].

Фавқулодда вазиятларда объектларга турли даражада зарар етиб, ишлаб чиқариш жараёнини қисман ёки бутунлай ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Фавқулодда вазиятлар қуйидаги ҳолатларда юзага келиши эҳтимоли бор. 1. Тинчлик ҳолатида:

- а) табиий офатлар натижасида;
- б) ишлаб чиқаришда авария, катастрофалар юз берганда;
- в) тез тарқалувчи юқумли касалликлар юзага келганда.

2. Уруш ҳолатида:

- а) мамлакатлараро келишмовчиликлар;
- б) мамлакатлар ичидаги келишмовчиликлар натижасида.

3. Мураккаб ҳолатда, яъни юқоридаги ҳолатлардан бир нечаси бир-бирига боғлиқ равишда юз бериши натижасида [3, 4].

Фавқулодда ҳолатларга инсонлар ҳаётига зомин бўлувчи ёки уларга хавф солувчи, биноларни бузувчи, моддий бойликларни йўқотувчи катта майдонларни эгаллаган ёнғинлар, сув босиши, сув тошқини, қор кўчиши, ер қимирлаш, ер кўчишлари, қулаши, бўрон ва бошқа табиат ҳодисалари киради [5].

Ишлаб чиқариш авариялари фавқулодда вазият ёки ишлаб чиқариш технологияларини бузилиши, уларнинг хавфсиз ишлатиш технологияларини бузилиши натижасида содир бўлиши мумкин.

Катта ишлаб чиқариш авариялари фавқулодда вазиятлар сифатида одамларни ҳалок бўлишига халқ хўжалиги моддий бойлигини йўқолишига, ишлаб чиқариш жараёнини бузилишига олиб келади.

Фавқулодда вазиятлар кўп ҳолларда кутилмаганда тўсатдан содир бўлади ва уларни тўлик олдини олиш мумкин бўлмайди. Шу сабабли бундай хавф содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудлар аҳолиси унга қарши ҳимоя тадбирларига ва уларнинг асоратларини тугатишга тайёр бўлиб туриши керак. Бунда асосий куч биринчи ўринда фавқулодда вазият ҳудудидаги одамларни қутқаришга сўнг моддий бойликларни асрашга қаратилган бўлиши керак [7].

Фавқулодда ҳолатлардан ҳимояланишга қаратилган тадбирлар тизими асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- фавқулодда ҳолатларни ретроспектив таҳлил қилиш;
- тайёргарлик ишларини олиб бориш;
- фавқулодда ҳолатлар даврида ҳаракатга тайёрланиш;
- фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш ва ҳ.к. [8].

Аварияларда ҳалокатлар ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш, мамлакатнинг авария-қутқарув хизматини доимий тайёр ҳолатини тامينлаш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида авариялар ва ҳалокатларни олдини олишга қаратилган

чора-тадбирларни бажарилиши устидан назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида фавқулодда ҳолатлар қўмитаси тузилган.

Фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишга қаратилган барча вазифалар босқичма-босқич, аниқ кетма-кетлик асосида максимал қисқа муддатлар ичида бажарилиши лозим [9].

Биринчи босқичда аҳолини тезкор ҳимоялаш масалалари, фавқулодда ҳолатлар хавfli омилларини тарқалишини чеклаш ва унинг таъсир даражасини камайтириш чора-тадбирлари ҳамда қутқарув ишлари каби вазифалар амалга оширилади.

Аҳолини тезкор ҳимоялашнинг асосий тадбирларига хавф тўғрисида хабар бериш; ҳимоя воситаларидан фойдаланиш; фавқулодда ҳолатлардаги режимга риоя қилишни таминлаш; хавfli зоналардан эвакуация қилиш; тиббий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш каби ишлар киради.

Фавқулодда ҳолатлар таъсир доирасини чеклаш ва унинг оқибатларини сусайтиришга қаратилган тадбирлар асосан: аварияларни локализациялаш, ишлаб чиқариш технологик жараёнларини тўхтатиш ёки ўзгартириш, ёнғинни олдини олиш ёки уни ўчириш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Қутқариш ва бошқа турдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар жумласига бошқариш органларини, куч ва воситаларни тайёр ҳолатга келтириш, зарарланиш ўчоғини разведка қилиш ва мавжуд ҳолатни баҳолаш каби вазифалар киради [10].

Иккинчи босқич вазифаларига фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш бўйича қутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш киради. Бу ишлар узлуксиз равишда, қутқарувчилар ва бартараф этувчилар сменаларини алмаштирган ҳолда хавфсизлик техникаси ва эҳтиёт чораларига тўлиқ амал қилиб бажарилиши шарт.

Қутқарув ишлари жароҳатланганларни қидириб топиш, уларни ёнадиган бинолар, харобалар, транспорт воситалари ичидан олиб чиқиш, одамларни хавfli хоналардан эвакуация қилиш, жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва шу каби бошқа ёрдамларни амалга ошириш ишларини ўз ичига олади [11, 12].

Кечиктириб бўлмайдиган ишлар жумласига эса ёнғинни локализациялаш ва ўчириш, конструкцияларни мустаҳкамлаш, қутқарув ишларини амалга ошириш мақсадида коммунал-энергетик сетларни, алоқа ва йўлларни тиклаш, одамларга санитар ишлов бериш, дезактивациялаш ва дегазациялаш ишларини амалга ошириш каби вазифалар киради.

Қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар жумласига аҳолини барча турдаги воситалар билан таминлаш, жумладан, уларни хавфсиз жойларга жойлаштириш, озиқ-овқат ва сув билан таминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда моддий ва молиявий ёрдамлар беришни амалга ошириш каби вазифалар ҳам киради [13].

Учинчи босқич вазифаларига авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар юз берган ҳудудлардаги аҳоли фаолиятини таминлаш масалалари киради. Бу мақсадда турар жойларни тиклаш ёки вақтинчалик турар жойлар барпо этиш, энергия ва сув

таъминотини, алоқа тармоқларини, коммунал хизмат объектларини тиклаш, зарарланиш ўчоғига санитар ишлов бериш, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бирламчи эҳтиёж буюмлари билан ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилади. Ушбу босқич ниҳоясида эвакуация қилинган аҳоли ўз жойларига қайтарилади ва халқ хўжалик объектларининг ишлаши тикланади.

Айрим фавқулодда ҳолатларнинг содир бўлиши олдиндан аниқланиши мумкин. Бундай ҳолатларда амалга оширилиши лозим бўлган барча ишлар олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилади. Режада асосан икки хил кўринишдаги тадбирлар белгиланади [14, 15].

Биринчи гуруҳдаги тадбирлар аҳолини ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади. Бу тадбирларга аҳолига хавф тўғрисида маълумот бериш ва хабар бериш; ҳимоя воситаларини тайёр қолга келтириш; бошқариш тизимлари ва воситаларининг тайёрлигини текшириб кўриш; шахсий ҳимоя воситаларини аҳолига тарқатишга тайёрлаш ва тарқатиш; тиббий профилактика, санитар ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш; эвакуацияга тайёрланиш ва талаб этилган шароитларга хавф таҳдид соладиган ҳудудларда аҳолини эвакуация қилиш каби вазифалар киради.

Иккинчи гуруҳ тадбирларига фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омилларини бартараф этишга қаратилган вазифалар киради. Бу тадбирларга халқ хўжалиги объектлари ишини тўхтатиш ёки иш режимини ўзгартириш; энергия, сув, газ тизими иш режимини ўзгартириш ёки вақтинча тўхтатиш; мавжуд муҳандислик иншоотларини мустаҳкамлаш ёки қўшимча қуриш; ёнғинга қарши тадбирлар ўтказиш; хавфли ҳудудлардан моддий бойликлар ва чорва молларини олиб чиқиш; озиқ-овқат, озиқа хом ашёси ва сув манбаларини ҳимоялаш каби ишлар киради [16,17].

Фавқулодда ҳолатлар содир бўлганлиги тўғрисида хабар олингач, биринчи навбатда берилган маълумотларни тўғрилиги текширилиб, қўшимча ахборот ва маълумотлар олиш бўйича тадбирлар амалга оширилади. Чунки, турли хил фавқулодда ҳолатларнинг ҳар хил шароитлардаги оқибатлари турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли дастлаб фавқулодда ҳолатлар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган иккиламчи, учламчи ва бошқа хавфли омиллар аниқланиб, кейингина комплекс тадбирлар амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Tursunova N.N. First and measures organization. International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology (IJERT). Volume 7 – Issue 4, April 2020. P. 243-245.
2. Турсунова Н.Н. Загрязнение воздушного пространства – угроза экологической безопасности в Узбекистане. “Техника и технология пищевых производств” Материалы XII Международной научно-технической конференции (Могилёв, 19–20 апреля 2018 года) Том 2, с. 425-426.
3. Tursunova N.N. Research of the process of storage of soyben based on system thinking. International Journal of Advanced Science and Technology. Volume 29, №7 2020. P.11764- 11770 (<http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/27848>).
4. Qiyomov Sh.F. Gidravlik ohak xom ashyosi xossalari va ishlatilishi. “Yengil sanoatdafa-ta’lim va ishlab chiqarishning innovatsion yechimlari” respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari, 2-tom, 21 aprel 2021 y.
5. Qiyomov Sh.F. Qurilish sanoatida kimyoviy bog’lovchi moddalardan foydalanish. Республиканская научно-практическая конференция «Актуальные проблемы промышленной инженерии» (20-22 октября 2021 г.).
6. Tursunova N.N. Study of physical and chemical parameters of soybean grain during storage. IOP Conf. Series: Earth and Environmental Sciens 848 (2021) 012184 doi:10.1088/1755-1315/848/1/012184.
7. Tursunova N.N. The essence of emergency preparedness, ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137. Vol. 12, Issue 11, November 2022. P. 103-108.
8. Турсунова Н.Н., Тешабоев А.М. Адаптация учащихся к экстремальным ситуациям в природе. “Техника и технология пищевых производств” Материалы XII Международной научно-технической конференции (Могилёв, 19-20 апреля 2018 года) Том 2, с. 415-416.
9. Турсунова Н.Н. Действия населения при стихийных бедствиях. «Aholini zilzilaga tayyorlashda ilg’or xorij tajribasidan foydalanish istiqbollari» mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to’plami. T. – 2022. 150-157 b.
10. Tursunova N.N. The essence of spiritual and spiritual preparation in emergency situations. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, ISSN: 2249-7137 Vol. 12, Issue 11, November 2022, SJIF 2022 = 8.252.
11. Турсунова Н.Н. Агрометеорологические условия выращивания пшеницы в Узбекистане. “Вопросы науки и образования” elecrtonic journal, июнь 2017 №6 (7). с. 45-46.
12. Турсунова Н.Н. Комплексный характер инноваций в системе дополнительного профессионального образования. “УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА” международный научный журнал № 6-3 (41), июнь 2018 г. с. 45-46.

13. Tursunova N.N., Narziyev M.S. Developing a hierarchic structure to study the process of shadow grain storage based on system thinking. Фан ва технологиялар тараққиёти: илмий-техникавий журнал. 2019. № 7/2020, 201-205 б.

14. Турсунова Н.Н. Биотехнологический потенциал и пищевая безопасность семян масличных сортов подсолнечника в Узбекистане. Universum: технические науки: научный журнал. – № 7(100). Часть 2. М., Изд. «МЦНО», 2022. С. 65-68.

15. Турсунова Н.Н. Чрезвычайные ситуации экологического характера и их последствия. O‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 13-son, 20.11.2022 y. С. 297-302.

16. Турсунова Н.Н. Катастрофические просадки, возникшие в результате выработки недр при добыче полезных ископаемых и иной деятельности человека/ O‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 13-son, 20.11.2022 y. С. 321-324.

17. Турсунова Н.Н. Проблемы возникновения транспортных катастроф и аварий. Международный научный журнал «Научный импульс», № 4 (100), часть 2, Ноябрь, 2022. С. 1003-1007.